

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 250 (7. 339)©

1990 йил 31 октябрь, чоршанба

Баҳоси 3 тийин



Электр рўзгор буюмлари заводининг йиғувчиси Шохда Раҳматовнинг бу ерда ишлаётганига 10 йилдан ошди. У яхши меҳнат қилиш билан бир қаторда шогирдлар ҳам тайёрламоқда. Шогирди Муяссар Одилова уч ойдан сўнг мустақил ишлашни бошлаб юборди.  
СУРАТДА: Шохда Раҳматова (чапда) шогирди Муяссар Одилова билан иш устида.  
Т. Каримов сурати.

## Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

30 октябрь куни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг сессияси ўз ишнини давом эттирди.  
Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари Ўзбекистон ССЖни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1991 йилги асосий кўрсаткичларини, шунингдек республиканинг 1991 йилги давлат бюджетни асосий кўрсаткичларини ва Ўзбекистон ССЖнинг 1989 йилги давлат бюджетни ижроси тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилишга киришди.

Биринчи масала юзасидан Ўзбекистон ССЖ Вазирилари Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият Давлат режалаштириш комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов, иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон ССЖ молия вазирини И. И. Маматисаев маъруза қилди.

Маърузалар юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари — А. Х. Тожиев (478-Қипчоқ сайлов округи), Ш. Шобдуррахимов (4-Янгибод сайлов округи), К. Сандов (450-Ал-Хоразмий сайлов округи), А. Мухаммадулов (311-Пайариқ сайлов округи), С. Ч. Чегебоев (205-Қарши сайлов округи), Мухаммад Солиҳ (Салей Мадаминов) — (35-Профессор сайлов округи) қатнашди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан сессия тегини қарорлар қабул қилди.

Сўнгра Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари бир қанча қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга киришди.  
«Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисида» (иккинчи муҳокама) ва «Ўзбекистон ССЖда қордонлик ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари тўғрисида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши иқтисодий ислохот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети раисининг ўринбосари Э. Н. Ҳўжаев маъруза қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларидан В. А. Паттаев (245-Фрузе сайлов округи), А. А. Аветисов (433-Риштон сайлов округи), Т. М. Тўлганова (5-Назарбек сайлов округи), М. И. Шерматов (147-Ильич сайлов округи), Т. Норбоев (321-Каттақўрғон сайлов округи), И. А. Гамбург (392-Ховос сайлов округи), В. С. Крупин (177-мактаб сайлов округи) сўзга чиқди.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини пишиқтириш учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши комитетларига юборишга, «Ўзбекистон ССЖда қордонлик ҳақидаги қонун лойиҳасини эса биринчи муҳокамада қабул қилишга ва уни ҳам пишиқтириш учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши комитетларига юборишга, шундан сўнг умумхалқ муҳокамаси учун жумҳурият матбуотида эълон қилиб, сўнгра Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилди.

«Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров «Ўзбекистон ССЖда халқ депутатларининг мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Шундан кейин депутатларнинг сўзлари ижро этилиши ҳақида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессияси котибиятининг раиси Қ. Т. Ризаев ахборот берди.

«Ўзбекистон ССЖда халқ депутатларининг мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза юзасидан бўлган музокараларда А. В. Горностоев (176-Навоий сайлов округи), С. Ш. Мирзаев (6-Октябрь сайлов округи), М. Ж. Жўраев (224-Муборак сайлов округи) қатнашди.

Қонун лойиҳаси асос сифатида қабул этилди ва қўшимча равишда пухта ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг комитетларига юборилди.

Олий Кенгаши сессиялар ўртасидаги даврда Ўзбекистон ССЖ Президенти чиқарган фармонларни тасдиқлади. Сессия ишида Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов қатнашмоқда. Сессия ўз ишнини давом эттирмоқда.

### Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг қарори

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Вазирилари Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида»ги маърузасини муҳокама қилиб, қўйидагиларни таъкидлайди: жумҳурият ижтимоий соҳаси ва иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ўз ичига ўзининг қолган қўпгина муаммолар, халқ хўжалигини ривожлантиришда йўл қўйилган хато-лар кескинлашганлигини оқибатидир.

Ўтмишда ўтказиб келинган Иттифоқ вазирилари ва идораларнинг аъзойица сиёсати, жумҳуриятга ҳос миллий-маданий, тарихий-иқтисодий ҳусусиятлари ва бошқа ҳусусиятларини пинҳон қилиб қўйишнинг натижаси сифатида ишлаб чиқаришнинг кучларини тоқиб қўйишнинг, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг Ўзбекистон халқ хўжалиги ва аҳолиси ахтирлашга мос келмайдиган бузилган тузиллишига, табиий муҳитнинг нормал қайта тикланиши ҳақда ташқири бўлиб кетилишига олиб келиди, бу нарса экологий вазиятини бериш-ҳа ҳосинлаштириш юборди. Аҳоли турмушининг барча асосий кўрсаткичлари жиҳатидан жумҳурият умумий-иқтисодий даражасидан орқада турибди.

Ижтимоий соҳадаги баъзи ижобий силаншларга, ижтимоий асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида.

Ижтимоий асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш орқали вужудга келган мураккаб аҳволдан амалий равишда қутулиш, ўттир ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мумкин деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштириш-

нинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида.

2. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида жумҳурият аҳолисининг ижтимоий жиҳатдан доғор табақаларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳўкуматнинг биринчи галдаги маъзур масала юзасидан ўр-тоқ Ш. Р. Мирсаидов тақлиф этган чора-тадбирларга розил-лик берилсин.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирилари Кенгаши: барча погоналардаги давлат ҳўқимияти ва бошқарув идоралари билан биргаликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг белгиланган йўналишлари амалда рўббага чиқарилиши таъминласин, бу йўналишларни амалга ошириш пайтида Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари томонидан ўз ичига чиқариш учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессиясида айтилган мулоҳаза ва тақлифларни эътиборга олинсин;

истеъмол бозорини ва пул муомаласини тезроқ барқарорлаштириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг, унинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслигининг, меҳнат имкониятларидан янада тўла-тўқис ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратилишини ишончли давлат востисидан шакллантириш соҳасидаги ишни жуда қисқа муддатларда биринчи галда-

ги вазифа сифатида пухта уюштирсин;

Ўз фаолиятини Ўзбекистон ССЖ иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, бошқа жумҳуриятлар билан, ССЖ Иттифоқи билан ва ташқи иқтисодий соҳада ўз-ара манфаатли ҳамкорликни ташкил этиш соҳасидаги вази-фарларини ҳал этишга қарат-син;

мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ривожлантириш, давлатнинг мол-мулкнинг меҳнатнашлар иштирокида ва уларнинг манфаатларини қўлаб давлат ихтиеридан чиқариш ва ҳусусийлаштири-ши соҳасидаги чора-тадбир-лар мажмуини амалга ошир-син;

интизомни, қўнунийлигини ва ҳўқуқ-тартиботини бутун чоралар билан мустаҳкамла-шти таъминлашга алоҳида эътибор берсин.

4. Халқ депутатлари кенга-шларини асосий йўналиш-ларини амалга ошириш тад-бирлари мажмуини баъжари-б, қўйидаги вазифарларини би-ринчи галда ҳал қилишни кўзда тутирсинлар:

тегишли ҳўудларнинг иқ-тисодий ҳолати соғломлашти-ририлиб, халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бо-зор иқтисодиётига ўтиш йў-налишларига аниқлик кир-тирилсин;

аҳолини, айниқса унинг кам даромадли табақалари-ни ижтимоий жиҳатдан ҳи-моя қилишининг ўтиш даври салбий оқибатларини имкони

борича юмшата оладиган системаси амалга оширил-син, меҳнат ресурслари-дан оқилона фойдаланил-син, меҳнатга лаёқатли аҳо-ли иш билан таъминлан-син;

минтақаларнинг истеъмол бозори халқ истеъмолчи мол-лари ишлаб чиқариш ва пулли хизмат кўрсатиш ҳажмларини ҳамда турларини қўлайтириш орқали озик-овқат ва саноат моллари билан мўл-кўл таъминлан-син;

қишлоқ ва қўрғон кенга-шларининг, маҳалла коми-тетларининг маъвечи оши-рилсин, аҳолининг ижодий ва ишлаб чиқариш фаолли-гини кўчатиришга, ҳўнар-маддчиликни ва бадий мад-даният ҳамда санъатни тик-лаш ва ривожлантиришга, халқ байрамларини, ҳашар-лар ва бошқа маъракаларни ўтказишга оид муҳим му-аммоларини ҳал этиш улар-нинг зиммасига тушад;

ҳўудин бошқарилишини иқтисодий усуллари кенг жорий этилсин, қордонлик ривожлантиришнинг, ишлаб чиқариш самараларининг ҳўуд захираларидан ҳўжаликда яхшироқ фойда-ланилсин, корхона ва таш-килотларда ҳўжалик юри-тишининг янги илгор шакл-ларидан фол фойдаланиш учун қўлай шароит яратил-син;

биргаликда сармоя солиш, фан-техника, ижтимоий-ма-даный, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа фаолият

соҳасида иттифоқдош жум-ҳуриятлар ва минтақалар билан иқтисодий алоқалар кў-чатирилсин.

5. Ўзбекистон ССЖ Вази-рилари Кенгаши халқ хўжа-лигини барқарорлаштириш-нинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларини қандай амалга оширилайётганидан Ўзе-бекистон ССЖ Олий Кенгаши-ни мунтазам хабардор қи-либ турсин.

6. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раисати, Ўзе-бекистон ССЖ Вазирилари Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг комитетлари билан биргаликда Ўзебеки-стон халқ хўжалигини барқар-орлаштиришнинг асосий йўналишларини ва бозор иқ-тисодиётига ўтиш қоидалари-ни амалга оширишни таъ-минлайдиган қўнулар ва норматив ҳўужжатларнинг лойиҳаларини қўриб чиқи-б, тақдим этсинлар.

7. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши жумҳуриятнинг барча меҳнатқашларига му-рожат этиб, Ўзбекистон ССЖ ҳар бир фуқаросининг муносиб ишанишни таъмин-лаш мақсидида халқ хўжа-лигини барқарорлаштириш-нинг асосий йўналишларини ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларини рўббага чиқариш учун қўлай-ғайратларни бир-лаштиришга қақиради.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ. Тошкент шаҳри, 1990 йил 29 октябрь.

ШУ КУНИ қадоқлаш ва жойлаш тажриба-конструк-торлик бюросида ўтказилган байрамга тўпланган Фрузе райони армияга қақрилувчи ёшларга ана шундай истақлар чин дилдан нўзор этилди. Улуғ Ватан уруш кесаларидан Исроом ака Отабеков, Вали ака Қасимов, бўлгуси асар ораси Улмас Аҳмедова ва бошқалар дил сўзларини маъор этдилар. Хизматга қақрилувчи Станислав Нуров ана шу нечага келган барча меҳмонларга ўз кўш-гинини тўхфа этди. «Истеъдод театрнинг санъаткорлари, «Саҳнадаги цирю артистлар» хам бу ерда йиғилганларини хўшнўд этдилар.


Тантанга тўпланган унинг сабабчиларини турли танловларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ҳалиларга эсдалик совғалари топширилди. Улар мамлакатимизнинг турли бур-чақларида ўз йиғитлик бур-чаларини ўтайдилар.

— Йиғитларини уйларида узокда хизмат қилишларини асло нўчтаётгани йўқ, — дейди майор Юрий Асриев. — Улар армиядаги хизмат катта ва яхши мактаб эканлигини жуда яхши ҳис этиб турбдилар...


Биз ҳам билдирилган яхши истақларга қўшилиб, бўлгуси асар йиғитларга омад ёр бўлаверилишини тилаб қоламиз.

© СУРАТЛАРДА: байрамдан лавҳалар.

Х. Солиқов суратлари.



## ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГЛАР



## Маҳорат дастури

О БОЛАЛАР ба-дий ҳаваскорлик жа-моалари ўртасида уюштирилайтган тур-ли кўрик-танловлар жуда қизиқарли бўл-моқда. Бундай қизгин беллашувларни бола-лар спорт фестивал-ларида ҳам ўтказиш йўлга қўйилди.

Бу маҳорат ва қақ-қонлик кўригини бўйча дастлабни дастур ту-зилди. Шаҳримизнинг Фрузе райони халқ таълими бўлими ана шу хайрли ишнинг та-шаббускорини бўлди.

Фестиваль-спарта-киада яқинда «Маян-нўто» болалар бог-часига тўпландилар. Маъзур тадбирга қўп-гина жавоки спорт ишқибозлари ҳам тақ-лиф қилинди.

Райондаги «Юлдуз-ча» болалар богчаси биринчи, «Кўешион» иккинчи ва «Маян-нў-то» учинчи ўринни эгаллаб, болалар спорт фестивал-спартакиа-дасининг ғолиблари бўдилар.

С. ОБИДОВА.

## Мутасаддилар фикрича...

## ПУЛИНГИЗНИ «БЕГОНА» ҚИЛМАНГ

3. МУСАЕВ, БАНКИ Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи.

— Шаҳримизда бугунги кун-да 154 та жағмарна банки аҳоли хизматига бўлмоқда. Булар эрталаб соат 8 дан кеч соат 20 гача ишламоқда. ССЖИ Давлат банки ва ССЖИ жағмарна банки Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг «Фуқаролар жағмарна банкларини ССЖИ жағмарна банк муас-сасаларида сақлашдан ман-фаатдорлигини ошириш тўғ-рисидаги Фармонини баъж-риш учун ССЖИ жағмарна банкда аҳолининг мўддатли қўйган омонатларига фойда миқдорини жорий этганини халқ манфаатини қўлаб қи-линган иш бўлди. Бир йил-дан ортиқ мўддатдан 3 йил-га қўйилганда — йилга 5 фоз, 3 йилдан ортиқ мўд-датдан 5 йилга мўддатга қўйилганда — йилга 7 фоз, 5 йилдан кўп мўддатга қўйил-ганда — йилга 9 фоз оша-диган бўлди. Шунинг эслати-бди жўжани, ССЖИ жағ-марна банки муассасаларига фойда миқдорини шу йил-нинг 1 ноябидан бошлаб қўйилган омонатларга нис-батан қўлайди.

Шу йилнинг 1 ноябидан қўйилган мўддатли омонат-ларнинг эгаларига уларнинг янги шартлар асосида мўд-датли омонатлар тарзида ҳў-кукни расмийлаштириш ҳў-куки берилди. Кейта-дан расмийлаштирилмаган омонатларга ҳозирги вект-да белгиланган миқдорда — йилга 3 фоз фойда берил-лади. Айниқса, шўиларнинг му-кофотли жағмарналарига фойда миқдори — йилга 5 фозга, аниқ мақсадга қа-ратилган болалар жағмарна-

лари ва тўлдириб бориледи-ган жағмарналарига фойда миқдори йилга 9 фозга ош-тирилди.

Хар бир омонат жағмарна-сида ҳамшаҳарларимиздан жағмарна неча йилга қў-йилганлиги сўралади ва йил-ни очилган дефтарга унинг фи-зги эзилди. Агарда бу шарт бўзилса у факат 2 фоз қў-шимча ҳақ олади. Мўддатли омонатлар бўйича амалдаги фойда миқдори билан шунинг-дек, қўшимча бадал тўлаш мўддатли омонатлари ва шарт-номали омонатлар бўйича ҳи-соб арақаларини очиб шу йилнинг 1 ноябидан бошлаб тўхтатилади.

— Сертификатларга қан-дай даромад тўланади? — 1990 йилнинг 1 ноябидан бошлаб ССЖИ жағмарна банки сертификатларга ҳи-забни қандай 4 фоз ўрни-га сертификатларнинг бутун ўн йиллик мўддати учун ўрта-ча 10 фоз миқдориде даро-мад тўланади.

— Давлат ички ютуқли заём-ли облигацияларига ўза-ришлар ҳақида қандай йи-қиллар бор?

— 1982 йилда чиқарилган давлат ички ютуқли заёмли облигациялари бўйича даро-мад 1990 йил ноябдан бошлаб йилга 3 фоз ўрнига 9 фоз ҳисобидан тўланади. Фойданинг янги миқдори му-носабат билан шу йил 15 ноябдан бошлаб ютуқ тираж-ларидан заёмнинг битта раз-рлариде 20 минг ютуқ ўйна-лади. Шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб қўчга киреди-ган бу фармон халқ манфа-атларини қўлайди.

Сўхбатдош Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

## Обуна—91:

## «ОҚШОМ»—ЯҚИН ҲАМРОҲИМИЗ

ТАЙЕРАСОЗЛАРИНГ муҳарририятимизга йўллаган хабаридан очиги мамнун бўлдим. Рўзнома ва ойномаларга обуна бўлиш оғир кечётган ҳозирги паллада кўп минг кишилик маъзур жамоа «Оқшом» рўзномасига эзилувчиларни қўпчилигини маълум қилади.

Хар галгидек Тошкент тайерасозлик ишлаб чиқариш бир-лашмаси ишчи-хизматчилари «Тошкент оқшомига» эзилу-шини афзал кўришди. Илгари йилга бир неча юз нўсхада ўқийган бўлишса бу йилга келиб жамоа маъзур рўзномасига минг нўс-хада эзилушини мақсад қилиб олди.

— Рўзномасига белгиланган минг нўсхада одамларимизнинг эзилиб бўлишганини эшитиб, табиий қўл-қў, деб ўйлади, — дейди бу ҳақда бирлашма партия комитетининг котиби Х. Ф. Ҳанисонов. — Тўғри, бизда маҳаллий иллат вакиллари нис-батан кам бўлсада, «Тошкент оқшомига» эзилувчиларнинг қўпчилиги дастлабки кунлардан маълум бўлиб қолди. Бугун-ги кунга келиб 1800 нафар ходимимиз эзилган бўлса, обуна яна давом этмоқда.

— Ҳамид Фасихидинович, одамларини илгаригидек мажбу-рлаб обуна қилдириб бўлмайди. Бизнинг «Оқшом» рўзнома-мизга эзилуш сўрайти бир неча баробар юқори экан. Саба-бини нимада деб ўйлайсиз?

— Жамоамиз аҳли билан келишиб, обунанинг янги йўлини излаб топишга аҳд қилдик. Яъни, ишчи ва хизматчиларимизни кредит йўли билан обуна қилиш керак, деган фикрга келдик. Бу фикримиз бирлашмамизнинг асарият ишчиларига маъжур бўлди. Ҳисобчиларимиз энди корхона бўйича тузилган уч нуқтада иш олиб бордилар. Кейси бир матбуот нашрига эзилуш истагини билдирган киши ўзи хоҳлаган нашри учун квантация тўлдириб, ҳисобчиларга топширди. Улар бир неча ойгача бўлиб-бўлиб маошларидан ушлаб қолади. Бу ал-батта маъмуриятга аниқ қийинчиликларни келтириб чиқаради, жумладан қозғозбозлик ошади. Лекин ишчи ва хизматчиларим-из учун эса қўлай йўли шу. Шунинг учун ҳам ҳамма қийин-чиликни ўз зиммасига олди.

— Бу ерда, айниқса бўлинмаларда иш олиб бораётган жамоатчиларнинг хизмати катта бўлса керак. Улар учун бирор имтиёз ёки рағбатлантириш белгиланганими?

— Хар йили чекланмаган миқдорда бўлса ҳам «Оқшом» каби нашрларга эзиларди. Ишчиларимиз унга қизиқиб бошқа матбуот нашрларига ҳам эзилардилар. Энди бу нашрдан бир донга ҳам ажратилмади. Лекин обунани ташкилотларимиз бу ишдаги фаолликларини намойиш қилмоқдалар. Ҳали сўраганимиздек, иштиёқлар кўрсатишни қўлаб қўйганмиз. Ҳусусан, бу йил энг яхши ташкилотчиларимизга обуна навсумандан кейин «Исқикўл» ва «Кристалл» деб олиш ором-гоҳлари учун йўлланма-лар берилди. Улар хордиқ чиқариб, кўнглиларини ёзиб келишларига илмон тўғилди, деб ўйлай-миз. Умуман, ҳозиргача бизда «Тошкент оқшомига» қизиқу-вичлар кам, эзилувчилар ҳам қўпчилиги бир бир марта ейтган ҳолда, бу борда хали яна энг юқори кирсаткичини қўлга киритамиз, деб ишонамиз.

Ф. ГУЛОМОВА.







Тошкент шаҳар китрона кўмитаси Ички ишлар бошқармасининг районлараро расмийлаштириш бўлимида шахсий ва давлат машиналари расмийлаштирилади. СУРАТДА: Давлат автомобиль назорати катта инспектори, катта лейтенант Ҳасан Юсупов инспектор Валижон Юсупов билан ҳайдовчи Жўра Эгамбердиевнинг машинасини техник кўриқдан ўтказмоқда. Т. Каримов сурати.

Қонун—ҳамма учун баравар

### ДАВЛАТ БЕЛГИСИ ҚАНИ?

БИЗ болагимизда шаҳар кўчаларида машиналар кўзга онда-сонда ташланар эди. Ўшлар ўтди, Қўқон арвалар ўрини турли марказдаги машиналар эгаллади. Биргина кейинги ўн йилликнинг ўзига Тошкентда транспорт воситаларининг сони 3 марта кўпайди. Ҳозир шаҳримизда машинаси бўлмаган оила жуда кам. Бу албатта шаҳар кўчаларида серфатновлини вужудга келтириди, ҳаракат тизилишини ошириди. Масалан, шаҳарнинг асосий кўчаларида бир соат мобайнида 7 мингдан зиёд транспорт воситаси ҳаракат қилмоқда. Лекин, беш қўл баробар эмас. Ҳайдовчилар ўртасида интизомсизлар кўпайиб борапти. Айниқса, машиналарни давлат номерисиз бошқариш ташвишли ҳолдир. Бунинг оқибатига турли жиноятлар содир этилади, жимоятчиларни қийдириш эса мушкуллашмоқда.

### Кўпчиликка ҳавола

### Балки, талон керакдир!

1989 йилнинг 1 июндан бошлаб ССЖИ Олий Кенгашининг Фармонида бинодан ҳайдовчиларнинг оғоҳлантириш талони бекор қилиниб, йўл ҳаракати қондаларини бузган ҳайдовчилар жарами тўлайдиган бўлди. «Қаттиқ» қонуннинг «ишончлилиги» на-тижасида ҳайдовчилар ўртасида интизом янада бўшашиб кетди. Сабаби, илгари ҳайдовчи қондан бузганда оғоҳлантириш талонига белги қўйиларди. Ва иккинчи марта оғоҳлантирилгандан сўнг, у автомашина бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилар, яна билганини синаш учун қайта имтиҳонга юборилар эди. Ҳозир эса кунга яқин-уч марта йўл ҳаракати қондаларини бузган киши нари борса 10—15 сўм тўлаб, яна машина рулини бошқармоқда. Энг хавфлиси, шунданки, айрим ҳайдовчилар йўл ҳаракати қондаларини ўзи билган ҳолда бузмоқдалар. Бордию йўл назорати инспектори тўхтаган такдирда «бор-йўқ» деган фикрда шундай қилмоқда. Шаҳримизда бундайлар кўп. Шунинг учун ҳам қондабузар, интизомсиз ҳайдовчиларни моддий жиҳатдан жазолаш билан илҳомий натижага эришиб бўлмаслигини назарда тутилиб, жумҳуриятимиз ҳудудинда 1990 йилнинг 10 августидан бошлаб йўл ҳаракати қондаларини атайлаб қўпол равишда бузган ҳайдовчиларни яна бир бор йўл ҳаракати қондаларини нечоғлик билганини назарда тутиб имтиҳонга юбориб, синаб кўриладиган бўлади.

### Бахтсиз воқеа сабаблари

ТОШКЕНТ шаҳри кўчаларини айлансангиз, йўлларда содир бўлаётган турли бахтсиз ҳодисаларнинг гувоҳи бўласиз. Бу ҳодисаларнинг асарини ҳайдовчилар ва йўлчиларнинг йўл ҳаракати қондаларига риоя қилмаётганини сабаби содир бўлмоқда. Шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 2305 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 520 та кўп, демалди.

Келажикдаги — болалар. Уларни ёшлиқдан йўл ҳаракати қондаларига ўргатиш нафақат ДАТ ходимларининг, балки ота-оналарининг, кенг жамоатчилигининг ишидир. Ана шундангина биз фарзандларимизни бахтсиз йўл-транспорт ҳодисаларидан сақлаб қоламиз.

Ҳарчи бу қонун бироқ қаттиқлаштирилган бўлсада, бунинг ҳам натижаси ҳали ўзининг илҳомий самарасини бермапти. Балки яна ҳайдовчилик гувоҳномасига оғоҳлантириш талонини жорий этиш керакдир. Чунки, оғоҳлантириш талон ҳайдовчига йўл ҳаракати қондаларини бузса, қандай маъмурий чора кўрилишини эслатиб туради. Бу эса яна бир қарра ҳайдовчининг оғоҳ бўлишига чорлайди.

Кўпчилик билан кенгашиб қилинмаган ҳарорнинг самараси бўлмаслиги аниқ, шу боис мутасадди раҳбарлар бу ҳақда яна бир ўйлаб кўришлари лозим. Ҳолбуки, йўл ҳаракати қондаларининг бузилиши натижасида бахтсиз ҳодисалар тобора кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида йўл-транспорт ҳодисалари 28,6 фоизга кўпайди. Бундан майда транспорт тўқнашувлари мустафо.

Навбатдаги тошхиряқ транспорт воситаларининг ҳаракати билан боғлиқ. 1. Трамвай ҳайдовчисми? 2. Автомобиль эгасими? 3. Автомобиль эгасими? 4. Жавобларингизни кутамиз.

Мурод ХАЛИЛОВ. Мана бу суратга бир қараи-га, трамвай «УАЗ»га «алла» қўйилди. Бунинг сабаби қанда? Сабаби, йўл ҳаракати қондаларига риоя қилмаслиги ёки уни билмаслигидир. Яхшиямки, ҳеч қанга жараҳатланмади, бу тасвир ўзгаларга ибрат бўлади, деган умиддамиз.

Иккинчи суратга эса «ЗИЛ» машинасининг «оёғи осмондан» бўлган. Тегилини ошириш ана шундай хуш оқибатларга олиб келади. Яхшики, «Йўл ҳаракати қондаларига» риоя қилинг.

1 НОЯБРЬ СОАТ 10.00 ДА «АСБОВЛАР ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ» САЛОНИ БИНОСИДА «ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЕНЛАРИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИВ БОРИШ АСБОВЛАРИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР УТКАЗИЛАДИ. Мавзуаши — Челябинскдаги «ИССИҚЛИК АСБОВЛАРИ» заводининг вақили. Барча қизиққан мутахассисларни семинар ишида қатнашишга таклиф қиламиз. Айтиш пайтида сиз турли хил осциллографлар, генераторлар, вольтметрларни харид қилишингиз ва электротехника саноатидagi ортинча асбоблар ва микросхемалар рўйхати билан танишишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 2-уй, (аввалги Гафур Ғулом кўчаси — 4, 9-трамвайлар: 13, 70 77-автотусларнинг «Оқтепа» бекати). Маълумотлар олиш учун телефонлар: 78-02-38, 78-40-43.

Чилонзор. «ЧИЛОНЗОР» МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАРКАЗИ. — корхоналарни тузиш ва уларни акционерлик жамиятларига ва чекланган масъулиятли жамиятларга айлантириш ҳолда қайта ташкил этиш ва ҳужалик қилишни бошқа илҳом кўринишларини жорий этиш, шунингдек ушбу жамиятлар учун акцияларни тарқатиш ҳамда сўмлар ва валютадagi маблағларни жалб этиш юзасидан; — кичик корхоналар, ишлаб чиқариш ширкатларининг хом ашё ресурслари, материаллар, ускуналар ва транспорт билан моддий-техникавий таъминлаш бўйича ШАРТНОМА АСОСИДА ХИЗМАТ КўРСАТАДИ. «ЧИЛОНЗОР» мувофиқлаштириш маркази тижоратчи воситачи сифатида ўзaro «йирбошлашни амалга ошира бориб, йортиқча моллари, фойдаланилмаган материаллари ва чиқитлари бўлган қўлбас вазириллар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва алоҳида корхоналар билан хизмат муносабатларини амалга оширади. «ЧИЛОНЗОР» мувофиқлаштириш маркази тайёр маҳсулотни етказиб бериш, шунингдек, сотилиш воситачилик асосида бажаради. Талабномалар ва таклифлар қўйидаги манзилга жўнатилсин: 700135, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 50-уй. Телефонлар: 76-85-37, 76-26-86.

САҢЪАТ ИШҚИВОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Ўзбекистон Маданият вазирилиги Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари Жумҳурият илҳомий-методик маркази қўшида ташкил этилган «НАФОСАТ» халқ фольклор-этнографик жамоаси ўз ижодий гуруҳини янада бойитиш мақсадида доимий ишлаш учун қизиқувчи йигит-қизларни қабул қилиш учун қўйидаги мутахассисликлар бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Созанда ва хонандалар, раққоса ва лапарчилар, бадий сўз янроқчилари. Талаб муҳадди — 10 ноябрда. Манзилгоҳимиз: Чилонзор кўчаси, 2-А уй. Телефон: 77-11-49, 45-37-58. 181, 153-автотуслар, 7-троллейбуснинг «Ўзбекфильм» киностудияси бекати.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЕТИГА ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. матбаачилар, ҳарф терувчилар, муқовасозлар, матбаа ускуналарини соловчилар, юқорида санаб ўтилган наслар бўйича шогирдлар энергетик-муҳандис, лифтлирини ишлатиш бўйича муҳандис, ускуналарга ва юқори кўчанишги подстанцияларга хизмат кўрсатиш бўйича электр монтажчи, токарлар, чилангарлар, сантехниклар, қороз қирқувчилар. Чуқурликда ишлаш учун: авточилангар, автоматотчи, токар, автоэлектрчи, карборончи, электр-погрузчикларни таъмирлаш бўйича электр чилангар, омбор мудирини, ҳисобчи керак. Қўйидаги манзилда мувожабат қилинсин: Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй мутахассислар бўлими.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА УҚИТИШ ВА КАСБГА ЙўНАЛТИРИШ МАРКАЗИ. ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. «ФИЗИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ» ИЖАРАЧИ КОРХОНАСИГА. БИС электроникаси ва схематехникаси соҳасида етакчи муҳандислар, 1-тоифали муҳандислар («ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар» ихтисоси бўйича); молиячи-ҳисобчи ва асосий маблағлар бўйича ҳисобчилар, 4—6-разрядли токарлар ва газ-электр пайвандчилар; 3—5-разрядли механика-йиғув ишлари чилангарлари ва нази сўнгги маррада тозалаш операторлари, совутиш-компрессор қурилмаларининг машиниста. «УЗАПРОМПРОТЕХМОНТАЖ» трестининг ИХТИСОСЛАШГАН КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА: электр пайвандчилар, металл конструкциялар бўйича йиғувчи-чилангарлар. «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА: ишт терувчилар, бўёқчи-сувоқчилар, монтажчилар, электр пайвандчилар. Елгизларга ётоқхонадан жой берилади, оилалар эса навбат тартибда уй билан таъминланадилар.

ТОШКЕНТ ОҚИМОНИ. «Вечерний Ташкент» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов. Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати вазирилиги «Алиний» илҳомий ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари А. Э. Ражабековга уқасини Улуғбек РАЖАББЕКОВНИНГ вафот этганидан муносабати билан чуқур таъзия илҳом қилади. Манзилгоҳимиз: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-78; катталар — 33-29-70, 32-53-79; жимоятчилар қабулхонаси — 32-55-83. Яншибадан ташқари ҳар нунин ўзбек ва рус тилларида мустақил чинади.

НАВОНИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ НОЯБРЬ ОЙИ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ. 1 ноябрда — ОЛОВЛИ ФАРИШТА. 2 ноябрда — ПИКОВАЯ ДАМА. 3 ноябрда — ФЛОРИЯ ТОСКА. 4 ноябрда — соат 12.00 да ЗОЛУШКА, соат 19.00 да РИГОЛЕТТО. 6 ноябрда — ГОФМАН ЭРТАКЛАРИ. 7 ноябрда — соат 15 да ва 19.00 да БАЛЕТ КЕЧАСИ. 8 ноябрда — ТЕАТРИНГ ЭТАҶЧИ СОЛИСТЛАРИ КОНЦЕРТИ. 9 ноябрда — соат 12.00 да КОПЕЛЛИЯ, соат 19.00 да БОҶАСАРОН ФАВВОРАСИ. 10 ноябрда — ЧИО-ЧИО-САН. 11 ноябрда — ОҚҚУШ КҒЛИ. 13 ноябрда — ЗЕБУНИСКО. 14 ноябрда — ДОН КИХОТ. 15 ноябрда — ПИКОВАЯ ДАМА. 16 ноябрда — СПАРТАК. 17 ноябрда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ. 18 ноябрда — соат 12.00 да ЧИПОЛИНО, соат 19.00 да КАРМЕН. 20 ноябрда — ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН. 21 ноябрда — СЕВГИ ТУМОРИ. 22 ноябрда — ТРАВИАТА. 23 ноябрда — КОРСАР. 24 ноябрда — РИГОЛЕТТО. 25 ноябрда — соат 12.00 да ОЛОВИДИННИНГ СЕХРЛИ ЧИРОГИ, соат 19.00 да ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ. 27 ноябрда — УЙҚУДАГИ ГҒЗАЛ. 28 ноябрда — ОҚҚУШ КҒЛИ. 29 ноябрда — БИР АКТИЛИ БАЛЕТЛАР. 30 ноябрда — РАЙМОНДА. Тез кунлар ичида! Алишер Навоийнинг 550-йилдигига бағишланган. Премьера. АЛИШЕР НАВОИЙ ОШЕРА. Кундузги спектакллар соат 12.00 да, кечки спектакллар соат 19.00 да бошланади. Танаффус соат 15 дан 16.00 гача. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

«ОРОЛ» ХАИРИЯ ТИЖОРАТ МАРКАЗИ ССЖ ХАЛҚЛАРИ ДўСТЛИГИ САРОИИДА 3 НОЯБРДА «КАМОЛОТ-89» таловчи ғолиби МУҲРИДДИН ҲОЛИҚОВ ижросида КУЙ ВА ҚУШИҚ БАЗМИ. САҢНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ. Соат 19.30 да бошланади. Чипталар сотилмоқда.

«ОРОЛ» ХАИРИЯ ТИЖОРАТ МАРКАЗИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДўСТЛИГИ САРОИИДА 4 НОЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА «КУЛИНГ, ДўСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БУЛАДИ» мавзуида КОНЦЕРТ ҚАТНАШАДИЛАР: Обид АСОМОВ, Собит АСОМОВ, Сохиб МАМАСОЛИЕВ, Ғафуржон МИРЗАБОВЕВ ва хушовоз хонанда АЛИШЕР СУЛАЙМОНОВ. САҢНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ. Чипталар сотилмоқда.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДўСТЛИГИ САРОИИДА 6, 7, 8, 9 НОЯБРЬ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА «ҚИЗИҚИ — 90» кўрғининг ғолиби, кулли устаси ҲОЖИВОЙ ТОЖИБОВЕВ ва хушовоз хонанда АБДУРАУФ ОЛИМОВ ижросида БАЙРАМ КОНЦЕРТИ. Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди. Телефонлар: 41-74-30, 45-92-13.

КИНО. 31 ОКТЯБРДА БАДИИЯ ФИЛЬМАР: Санъат саройи — «ИШҚ ТУРЛАРИ» (катта зал, 18, 30, 21.00) Чайна — «ИШҚ ТУРЛАРИ» (18, 30, 21.00). Восток — «ШАОЛИНЬ ЛАМАГА ҚАРШИ» (17, 19, 20.30) Москва — «ФАЗОДАГИ ТУС-ТУПОЛОН» (19, 20, 40), ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚИЗЛОҚ БУЛАДИ, ДЕВ УМИД ҚИЛАДИ» (17, 20.00); К. Ерматов номи — «ПРОКУРОР УЧУН СОҒА» (тоқ соатларда); Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕНБОР РОБИЗОН» (тоқ соатларда). 1, 2, 3 НОЯБРДА БАДИИЯ ФИЛЬМАР: Санъат саройи — «ИШҚ ТУРЛАРИ» (катта зал, 11, 13, 30, 16, 18, 30, 21.00) Восток — «ШАОЛИНЬ ЛАМАГА ҚАРШИ» (11, 13, 15, 17, 19, 20.30). Москва — «ИШҚ ТУРЛАРИ» (11, 13, 30, 18, 20, 40). ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚИЗЛОҚ БУЛАДИ, ДЕВ УМИД ҚИЛАДИ» (17, 20.00); К. Ерматов номи — «ПРОКУРОР УЧУН СОҒА» (тоқ соатларда); Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕНБОР РОБИЗОН» (тоқ соатларда).